

Ўзбекистон халк шоираси Ойдин Хожиева 1942 йили Бухоро вилоятининг Кизилтепа тумани Бўстон кишлогига тугилган. 1960 йили ўрта мактабни кумуш нишон, 1966 йили Тошкент Давлат дорилфунунининг филология куллийетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1905—1976 йиллар «Шарк юлдузи» ойномасида адабий ходим, бўлим мудир, 1976—1985 йиллар «Саодат» ойномасида бўлим мудир, тахририят аъзоси, 1985 йилдан то hozir гача «Гулхан» болалар ойномаси бош мухаррири, 1971 йилдан Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, 20 дан ортик шеърий тўплам муаллифи.

Ойдин Хожиева ижоди гарчи 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлсада, унинг биринчи шеърий тўплами 1970 йилда «Шабнам» номи билан чоп эттирилади. Сўнгра «Манзиллар» (1975), «Мен севган кўшик» (1972), «Зар кокил киз ва куёш» (1972), «Утренняя роса» (1973, рус тилида), «Орзу гули» (1975), «Наво» (1977), «Тароват» (1978), «Бувисининг ўз кизи» (1979), «Достонлар» (1980), «Хушхабар» (1983), «Мушфик онажон» (1983), «Тамал тоши» (1989), «Сайланма» (1989), «Нажот» (1991), «Олисдан келган овоз» (1991) каби кўплаб шеърий гулдасталари дунё юзини кўрди. Улар орасида «Чашмаларни излайман» (1987) каби публитсистик асарлар мажмуаси, болалар учун ёзилган ажойиб шеърлар ҳам бор.

Унинг деярли барча тўпламларида покиза ва меҳрибон, кечиримли ва садокатли она туйгулари, вафодор ёр, дидли, фаросатли ва нозик таъб шоира калби жўш ури туради. Айни чоғда дунё воқеаларига ҳамдардлик, инсонлар мушкулини енгиллатиш учун кураш, ўз она халки, она тупроғи, маданий меросига меҳр алоҳида янграб туради.

Шоиранинг энг кейинги «Истиклолга касида» номли шеърида шу она заминга, она халкка ва унинг келажаги такдирига жонфидалик алоҳида эшитилиб турди. У мохир шоирагина эмас, ажойиб публитсист, таржимон ҳамдир. Айни чоғда унинг асарлари катор кардош тиллар ва рус тилига таржима бўлган. Ана шу фаол ва самарали ижоди унга Ўзбекистон халк шоираси (1992) деган шарафни келтирди.